



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 11 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 11

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№11 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-11>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Азизов Аброржон Салиджанович</b> НАЛОГОВЫЙ МОНИТОРИНГ КАК АЛЬТЕРНАТИВНАЯ ФОРМА НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРАВОВАЯ СУЩНОСТЬ И ОТЛИЧИЯ ОТ НАЛОГОВЫХ ПРОВЕРОК.....	5
<b>2. Norboyev Bobur Aliqul o‘g‘li</b> O‘ZBEKISTONDA YER KADASTRING HUDUDIY RIVOJLANISH TARIXI.....	13
<b>3. Каримов Темур Мамарахим ўғли</b> ЮРИДИК ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИШ СТАЖИНИНГ СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА.....	22
<b>4. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich</b> HUQUQNI MUXOFAZA QILUVCHI ORGANLARIDA KADRLAR ZAXIRASINI SHAKLLANTIRISH DASTURINI ISHLAB CHIQUISH VA UNI TASHKIL ETISH TARTIBI.....	30
<b>5. Nurumov Dilshodbek Djumabayevich</b> ADVOKATNING ISHONCH BILDIRUVCHI SHAXS (HIMOYA OSTIDAGI SHAXS) BILAN MUNOSABATLARINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI.....	40
<b>6. Сафаев Мансурбек Илхомжонович</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР.....	48
<b>7. Зокиров Шерзод Илхом ўғли</b> ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	57
<b>8. Xudaykulov Feruzbek Xurramovich</b> JINOYATLARNI KVALIFIKATSIYA QILISH ALGORITMI: NAZARIY VA AMALIY JIHATLARI.....	65
<b>9. Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович</b> МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ПРЕВЕНТИВ ЖИХАТЛАРИ.....	76
<b>10. Najimov Miratdiyin Shamshetdinovich</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT QONUNCHILIGIDA OILAGA VA YOSHLARGA QARSHI JINOYATLAR TUSHUNCHASI VA ULARNING IJTIMOIIY XAVFLILIGI.....	90
<b>11. Файзуллаев Шавкат Файзуллаевич</b> ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИНИ ҚЎЛЛАШ.....	99
<b>12. Nuratdinov Srajatdin Kamalatdinovich</b> XORIJ DAVLATLARINING OMMAVIY TARTIBSIZLIKLAR PROFILAKTIKASINI AMALGA OSHIRISH BO‘YICHA TAJRIBASI.....	109



**Сафаев Мансурбек Илхомжонович,**  
 Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
 академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: SafaevMansurbek@gmail.com

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

**For citation:** Safaev Mansurbek Ilkhomjanovich. LEGAL BASIS FOR ORGANIZATION OF ACTIVITIES OF PROSECUTOR'S OFFICE BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 11.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17637222>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартлари ва уларнинг аҳамияти таҳлил қилиган. Халқаро прокурорлар ассоциацияси (ХПА) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан ишлаб чиқилган прокуратура фаолияти бўйича халқаро стандартлар, уларнинг принциплари ва амалга ошириш механизмлари ўрганилган. Мақолада прокурорлар мустақиллиги, одиллик ва холислик тамойиллари, шунингдек, прокуратура тизимини мустаҳкамлашга қаратилган халқаро тажрибалар таҳлил қилинади. Прокурорлар фаолиятидаги ҳуқуқий кафолатлар, ҳисобдорлик, суд тизими ва ижро ҳокимияти билан муносабатлар, шунингдек, прокурорларнинг тайинланиши, малака ошириши ва лавозимдан озод қилиниши бўйича халқаро меъёрлар ҳақида фикр юритилади. Мақолада прокурорлик фаолиятининг халқаро стандартларига мос келиши учун амалий таклифлар ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** прокуратура, халқаро стандартлар, прокурор мустақиллиги, одил судлов, жиний одил судлов, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, прокурор этикаси, прокуратура органлари.

**Сафаев Мансурбек Илхомжонович,**  
 Самостоятельный соискатель Правоохранительной  
 Академии Республики Узбекистан  
 E-mail: SafaevMansurbek@gmail.com

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

## АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются международные стандарты деятельности органов прокуратуры и их значение. Рассматриваются стандарты, разработанные Международной ассоциацией прокуроров (IAP) и Управлением ООН по наркотикам и преступности (UNODC), а также их принципы и механизмы реализации. В статье исследуются вопросы независимости прокуроров, принципов справедливости и беспристрастности, а также международный опыт по укреплению прокурорской системы. Особое внимание уделяется правовым гарантиям в деятельности прокуроров, их подотчётности, взаимодействию с судебной системой и исполнительной властью, а также международным нормам, регулирующим назначение, повышение квалификации и освобождение от должности прокуроров. В статье приводятся практические предложения и рекомендации для соответствия прокурорской деятельности международным стандартам.

**Ключевые слова:** прокуратура, международные стандарты, независимость прокурора, справедливое правосудие, уголовное правосудие, права человека, верховенство закона, правовое государство, этика прокурора, органы прокуратуры.

**Safaev Mansurbek Ikhomjanovich,**  
Independent researcher of the Law Enforcement  
Academy of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: SafaevMansurbek@gmail.com

## LEGAL BASIS FOR ORGANIZATION OF ACTIVITIES OF PROSECUTOR'S OFFICE BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

### ANNOTATION

This article analyzes the international standards governing prosecutorial activities and their significance. It examines the standards developed by the International Association of Prosecutors (IAP) and the United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC), their principles, and implementation mechanisms. The article explores issues of prosecutorial independence, fairness, and impartiality, along with international experiences in strengthening prosecutorial systems. Particular attention is given to legal guarantees in prosecutorial activities, accountability, interaction with the judicial system and executive power, as well as international norms regulating the appointment, professional development, and dismissal of prosecutors. The article provides practical recommendations and proposals to align prosecutorial activities with international standards.

**Keywords:** prosecution, international standards, prosecutorial independence, fair justice, criminal justice, human rights, rule of law, legal state, prosecutorial ethics, prosecutorial bodies.

Прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартлари прокуратура функцияларини амалга оширишда халқаро миқёсдаги ўзига хос йўналиш бўлиб хизмат қилади. Халқаро стандартларни ишлаб чиқиш билан халқаро ташкилотлар, шу жумладан Халқаро прокурорлар ассоциацияси (кейинги ўринларда ХПА деб юритилади) шуғулланади. ХПА 1995 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вена шаҳридаги идорасида ташкил этилган.

Унинг яратилишига трансмиллий жинойтларнинг кўпайиши сабаб бўлди. Унинг расмий очилиш маросими 1996 йил сентябрь ойида Будапештда ассоциациянинг биринчи умумий йиғилишида бўлиб ўтган. Жинойтчиликка қарши курашиш учун ХПА прокуратура фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидан борди. ХПА нинг мақсади глобал миқёсда прокурорлар ахлоқи ва касбий хулқ-атворининг юқори стандартларини ўрнатишдан иборат бўлиб, ушбу стандартларнинг қўллаб-қувватловчи устунлар қонунийлик, адолатлилик, холислик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва жинойтчиликка қарши курашиш йўлида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик ва жинойтчилик бўйича бошқармаси (кейинги ўринларда UNODC деб юритилади) билан биргаликда ХПА 2014 йилда

инглиз тилида илк марта прокурорлар фаолияти учун халқаро стандартларни белгиловчи йўриқномани ишлаб чиққан [1].

Прокуратуранинг халқаро стандартлари прокурорларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолият тамойиллари, прокуратура органларини ташкил этиш ва тузилмасига қўйиладиган талаблар, лавозимга тайинлаш, малакасини ошириш, прокуратура органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

ХПА йўриқномаси ҳам алоҳида амалдорлар, ҳам жамолар, гуруҳлар, жумладан, ҳукуматнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари, прокуратура, прокурорларнинг яхлитлиги ва самарадорлигини мустаҳкамлашдан манфаатдор ташкилотлар (масалан, БМТ), жиноят процесси иштирокчилари, шу жумладан судьялар ва адвокатлар; илмий иш билан шуғулланувчи ва илмий тадқиқот олиб борадиган шахслар, жинойи судлов ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлар, юридик олийгоҳлар талабалари учун фойдали бўлиши мумкин. Ушбу йўриқнома иккита катта бўлимни ўз ичига олади, улардан бирида иш фаолияти стандартлари, иккинчисида прокуратуранинг роли кўриб чиқилади.

Прокуратура фаолиятининг стандартлари аниқ очиб берилган биринчи бобда қуйидаги параграфлар келтирилган: прокурорларнинг мақоми, мустақиллик, прокуратура органларининг ташкилий тузилмаси, прокурор лавозимига тайинлаш, малакасини ошириш, лавозимдан бўшатиш, прокурорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Прокурорлар ўз ваколатларини амалга оширишда раҳбарлик қилиши керак бўлган асосий тамойил – мустақиллик тамойилидир. Прокурорлар ташқи тазйиқларга, жумладан, мамлакат ижроия ҳокимиятидан ўтказиладиган босимларга қарамай қарор қабул қилиш учун етарлича мустақиллик ва автономликка эга бўлиши керак. Бундай тазйиқлар юзага келган ва прокурорлар адолат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган жойларда, инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинмайди, коррупция ва давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилишга қарши курашиш имконсиз бўлиб қолади [2]. Прокуратуранинг мустақиллиги мансабдор шахслар ва юқори лавозимдаги раҳбарлар томонидан содир этилган жиноятларнинг қонун доирасида тўлиқ ва холмсона кўриб чиқишини таъминлайди. Мустақиллик шунингдек оммавий ахборот воситалари ва манфаатдор шахслар/гуруҳлар ёки умуман жамият бўладиган «адолатли босим» борасида ҳам сақланиши керак [3].

Прокурорлар мустақиллиги мамлакатда прокурорларнинг ихтиёрийлик ҳуқуқи, яъни “имконият тамойили” мавжудлигига ҳам боғлиқ. Қонунийлик тамойили амал қиладиган мамлакатларда прокурор жинойи жавобгарликка тортиш учун етарли далиллар мавжуд бўлган ҳар бир ишни кўриб чиқиши ва прокурор сифатида иштирок этиши шарт [4]. Бу тамойил фуқаролик ҳуқуқи қонунийлик анъаналаридан фойдаланадиган мамлакатларда мавжуд. Бошқа мамлакатларда сўзма-сўз “имконият тамойили” деб таржима қилинадиган тамойил мавжуд — прокурорлар жинойи таъқиб қилишни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик масаласи доирасида ихтиёрийлик асосида ҳаракат қилишлари мумкин, агар жинойи таъқиб аллақачон бошланган бўлса, у ҳолда. умумий қоидаларга мувофиқ махсус суд иш юритувини қўллашига йўл қўйилади. Бундай ихтиёрийлик ҳокимиятни суиистеъмол қилишга олиб келиши мумкин, шунинг учун прокурор ташқи аралашувдан, айниқса сиёсий босимдан ҳимояланган бўлиши керак.

ХПА раҳбарияти имконият тамойилини суиистеъмол қилиш хавфини имкон қадар пасайтириш учун мўлжалланган механизм сифатида, прокурор етарли далиллар мавжудлиги қарамасдан, жиноят ишини қўзғатмаслик тўғрисида қарор қабул қилганида, манфаатлари бузилган жиноят қурбонининг аризасига биноан судда ишни апелляция татибида қайта кўриб чиқиш механизмини таклиф қилади.

Прокуратуранинг мустақиллигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш прокуратуранинг давлат ижроия ҳокимияти таркибига кириши ёки кирмаслигига боғлиқ. Агар прокуратура ижро этувчи ҳокимиятнинг бир қисми бўлса ва Бош прокурор, масалан, Адлия вазирлиги олдида прокурорлик функцияларини лозим даражада бажариш бўйича ҳисобдор бўлса, у ҳолда прокурор жавобгарлигининг мақсади қонундан келиб чиқиши, халқаро ҳужжатлар,

миллий қонунчилик ва ўрнатилган амалиётга мувофиқ ҳуқуқий воситалар орқали ошқора ва очиклик асосида амалга оширилиши муҳим [5]. Шунингдек, прокуратура алоҳида мустақил тузилма сифатида фаолият юритиши зарур. Масалан, Ирландияда прокуратура бошқармаси мустақил идора ҳисобланади, давлат хизматчилари прокуратура функцияларини бажариш юзасидан Бошқарма билан маслаҳатлашишлари мумкин, лекин кўрсатмалар ёки йўриқномалар беришга ҳақли эмас [6]. Англия ва Уэльсда 1986 йилда Қироллик прокуратура хизмати ташкил этилганда, давлат органлари ва прокуратура хизмати бошлиқлари ўртасидаги муносабатлар махсус баёнот билан белгиланган эди [7]. Мазкур баёнотда прокурорнинг мустақиллиги даражаси ифодаланган бўлиб, ушбу ҳужжатнинг 2.4-бандида давлат органлари қарорлар қабул қилишда прокуратура мустақиллигини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Франция, Италия ва Туркияда прокуратура суд тизимига киради. Улар судья ҳисобланмайди, лекин уларнинг ҳуқуқий мақоми уларга мамлакатда суд иммунитетини ва мустақиллигини шафелигида ҳаракат қилиш имконини беради.

Айрим жиноят-ҳуқуқий тизимларда прокурорнинг мақоми конституцияда мустақамланган. Прокуратура конституция ёки махсус қонун асосида тузилади. Натижада, прокуратура мақомини, прокуратура фаолиятининг асосий тамойилларини, жумладан, ўз функцияларини амалга оширишнинг мустақиллигини қафолатлайдиган конституцияга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритмасдан туриб, ўзгартириб бўлмайди.

Прокуратура мустақиллиги доирасида прокуратура раҳбарини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масаласини ҳам кўриб чиқиш зарур. Прокуратура раҳбари норматив ҳужжатларда белгиланган лавозимга тайинлаш тартиби қоидаларига мувофиқ, иш ҳақи ва бошқа тўловлар, лавозим муддати, шунингдек муддатидан олдин ишдан бўшатишнинг белгиланган қафолатларга эга ҳолда, тайинланиши керак. Прокуратуранинг сиёсийлашуви хавфини ҳисобга олган ҳолда, жараённинг максимал даражада шаффофлигини таъминлаш, ушбу лавозимга тажрибали ва юқори обрўга эга малакали юристларни тақдим этиш зарур. Масалан, Корея Республикасида Конгресс махсус қўмитаси Адлия вазирлигига учта номзод бўйича тавсиялар беради. Адлия вазирлиги мазкур уч нафар номзод ичидан энг яхшисини танлаб, Президентга тавсия қилади. Конгрессдаги эшитувлардан сўнг номзод Президент томонидан Бош прокурор этиб тайинланиши мумкин. Бош прокурорни сайлаш тартиби фуқароларнинг ушбу касбга бўлган ишончи ва ҳурматини мустақамлаши муҳим. Прокурорни тайинлаш масаласини кўриб чиқиш жамият ҳурматига сазовор бўлган ва давлат ишончига лойиқ шахслардан иборат чақирилган комиссия томонидан амалга оширилиши керак деб тавсия қилинади [8].

Бирок, прокурорларнинг мустақиллиги прокурорларнинг тўлиқ автоном эканлигини ва ҳеч ким олдида ҳисобдор эмаслигини англамайди. Прокуратура ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият, жамият ва суд тизими олдида ҳисобдордир. Прокуратуранинг ҳисобдорлиги прокуратура ўз хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳисоботлар, баёнотлар, сўровларга жавоблар бериш орқали ҳисобот беришга мажбурлигини англайди, айрим мамлакатларда прокуратура суд эшитувларида ҳисобот бериши шарт.

Прокуратура ўз фаолияти тўғрисида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият органларига ҳисобот бериши шарт. Адлия вазирлиги, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи, давлатнинг молиявий ёки аудиторлик хизматлари прокуратура фаолияти ва харажатлари тўғрисида хабардор бўлиши шарт. Усуллардан бири — қонун чиқарувчи ҳокимият учун йиллик ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш, баъзи мамлакатларда эса бу ҳисоботларни хаттоки нашр этиш амалиёти ҳам мавжуд.

Прокуратуранинг суд олдида ҳисобдорлиги ҳақида гапириш мумкин, аммо у бевосита эмас, балки билвосита кўринишга эга: прокуратуранинг ҳаракатлари ва қарорлари доимо судлар томонидан синчковлик билан ўрганилиши керак, айрим ҳолларда эса қайта кўриб чиқилиши керак [9]. Бундай ҳисобдорликка мисол сифатида юқори лавозимдаги сиёсий арбоблар томонидан содир этилган жиноятларни кўриб чиқишда прокурорнинг айбловдан воз кечиш тўғрисидаги қарорларини кўриб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш (имконият тамойили) бўлиши мумкин [10].

Прокуратура ваколатлари табиатини ҳисобга олган ҳолда, прокуратура жамият аъзолари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради. Прокурорлар ўзлари хизмат қилаётган жамият олдида ҳисобдорлар, шунинг учун улар ўз саъй-ҳаракатлари ва бу ҳаракатлар натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишлари шарт. Қайд этилганидек, айрим жиноят қонунчилиги тизимларида прокуратуранинг қонун чиқарувчи тармоққа тақдим этадиган йиллик ҳисоботи жамоатчиликка ошкор этилиши мумкин. Бу эса жамоатчилик учун прокурорлар ўтган йил давомида қандай фаолият билан шуғуллангани ҳақида хабардор бўлиш, шу орқали прокуратура органлари фаолиятининг очиклиги ва масъулияти ошади. Прокуратура йўриқномаси ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида нашр этилиши ҳам прокуратура органларининг ўрни ва масъулияти ҳақида маълумот бериш орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади. Кўриб чиқилаётган ХПА йўриқномасида фуқароларга прокуратуранинг роли ва аҳамияти, унинг вазифалари ва фаолияти тўғрисида маслаҳат бериш механизмини жорий этишни таклиф қилинмоқда. Бу таклиф ўзига хос янгилик, чунки илгари ХПА стандартлари фақат жабрланувчилар ва гувоҳларга ҳуқуқий маслаҳат бериш механизмини таклиф қилади.

Прокурорлар ихтиёрийлик ҳуқуқига эга бўлган мамлакатларда қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатлар қарорлар қабул қилишда, жумладан, жиноий таъқиб қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилишда ихтиёрийлик ҳуқуқининг ҳолисона ва изчиллигини ошириш учун муайян алгоритмни таъминлаш керак. Прокурорларнинг ўз вазифаларини мустақил ва халқаро стандартларга мувофиқ бажаришини таъминлаш учун прокурорлар давлат органларининг ўзбошимчалигидан ҳимояланган бўлиши керак. Улар профессионал стандартлар ёки ахлоқ қоидаларига зид бўлган ноқонуний буйруқ ёки фармойишни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Прокурорлар ўз вазифаларини бажаришда доимий равишда шахс ҳуқуқлари ва одил судловнинг самарадорлиги ҳақида ўйлашлари керак. Прокуратура органларининг мансабдор шахслари шахсий мустақилликка эга бўлиши мумкин, лекин унинг ихтиёрий ҳаракат қилиши тартибга солинган чекловларга эга иерархик тузилманинг бир қисми сифатида ҳаракат қилишдан иборат. Ёки бошқа модель ҳам бўлиши мумкин, бунда айбловчи департамент ходими сифатида ижро этувчи ҳокимиятни ифодалайди, у ҳолда юқори даражадаги мустақилликка қатъий ички қоидалар орқали эришилади [11].

Ташкилотнинг иерархик тузилмаси бутун прокуратура органларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириши, шунингдек, прокурорларга ўзининг ихтиёрийлик ҳуқуқидан тўғри фойдаланиш имконини бериши мумкин.

“Прокуратуранинг ички ташкилий тузилишига келсак, Европада устунлик қилувчи модель иерархик тузилма бўлиб, кўпгина мамлакатлар ушбу моделни биринчи навбатда прокурорлар ҳаракатлари самарадорлиги ва изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ сабабларга кўра афзал кўрадилар” [12].

Прокуратуранинг иерархик бўлмаган тузилмаси айрим штатлар даражасида мавжуд бўлиб, прокуратура кучлари анчагина тарқоқ ва марказлашмаган. Ташкилий тузилма ушбу моделининг афзаллиги — ижро этувчи ҳокимият томонидан аралаштириш имконсизлиги ва жамият аъзолари учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш мумкинлиги.

Прокуратурада прокурорлик фаолиятини амалга оширувчи барча шахслар учун ягона сиёсат ва раҳбарликни ўрнатишнинг сезиларли фойдаси бор. Прокурорлар ўз вазифаларини бажаришда мунтазам равишда кўплаб баҳсли масалалар ва вазиятларни ҳал қиладилар. Ҳуқуқий, процессуал ёки ташкилий қоидаларни ўз ичига олган йўриқномага тезкор ҳавола прокуратура органларининг узлуксиз ва изчил ишлаши учун ҳам фойдали, ҳам зарур восита бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, прокуратура органларида прокуратура амалиётининг кўплаб жиҳатлари бўйича аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилади, улар кўпинча сўнгги мисоллар билан тўлдирилади, бу прокурорларнинг қарорларини қабул қилиш учун ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга кўмак бўлади. Кўрсатмалар прокурорлар ва ходимларга ўз фаолиятида юзага келадиган умумий масалалар бўйича жавоблар ва чора-тадбирларга тезкор муносабат билдириш имконини беради. Бундай кўрсатмаларни тузиш нафақат прокурорларга уларнинг

фаолиятида ёрдам бериш, балки прокурорларни айниқса, "ихтиёрийлик" тамойили асосида қарорлар қабул қилиш вақтида, ўзбошимчалик ҳақидаги айбловларидан ҳимоя қилиш учун фойдалидир. Айни дамда бундай кўрсатмалар қонунчиликдаги ўзгаришлар ва қонунларни қўллаш амалиётининг ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, доимий равишда кўриб чиқилиши ва қайта ишлаб борилиши зарур. Прокурорлар учун кўрсатмалар, шунингдек, қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари ва касбий ахлоқ кодексларига мувофиқ бўлиши керак.

Кўпгина мамлакатлар халқаро стандартларни, масалан, ХПА ва БМТ томонидан ишлаб чиқилган тамойилларни ўзининг миллий қонунчилиги ва прокурорлар учун йўриқномаларига киритадилар.

Прокуратура органларининг мустақил фаолиятини таъминлаш учун прокурорларни давлат органларининг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилиш механизми зарур. Прокуратура органларининг мансабдор шахслари прокурорнинг касбий меъёрлари ёки одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган қонунга хилоф буйруқ ёки фармойишга риоя этиш ёки уни бажаришдан озод этилиши шарт. Прокурорнинг бир вақтнинг ўзида иерархик тизим таркибида мавжуд бўлиб, ўз хоҳишига кўра ва мустақил ҳаракат қилиш қобилятининг ўзига хос жиҳатига, юқори турувчи органнинг қонунга хилоф буйруқларини бажаришни рад этиш имконияти ва ҳуқуқини ўз ичига олади.

Европа консулининг тавсияларига кўра, прокурорлар юқори турувчи органлар ёки мансабдор шахслардан кўрсатма ва фармойишларни ёзма равишда бўлишини талаб қилишлари шарт [13]. Юқори турувчи прокурорлар одатда чекловларсиз кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, прокурорлар, жиний қилмишлар ёки ҳуқуқбузарликларга жалб этилишига олиб келиши мумкин бўлган кўрсатмаларни рад этишлари шарт. Қолаверса, прокурор кўрсатмаларни бажаришда уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф туғилса, уларни бажаришдан бош тортиши мумкин. Янада амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳат шундаки, агар прокурор буйруқни ўзининг касбий нуқтаи назарига мос келмайдиган деб ҳисобласа, уни ишни кўришдан озод қилиш тўғрисида масала қўйиши мумкин. Бундай сўров ёзма равишда ва сабаблари кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак. Бундай илтимосни рад этиш мумкин эмас, прокурор бошқаси билан алмаштирилиши ёки ишни юқори турувчи прокурор ҳал қилиши керак. Кўшимча равишда, прокурор тегишли ёзма шаклда топширилгунга қадар буйруқ ёки кўрсатмани бажаришдан ўзини тийиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли [14].

Ҳисобдорлик, ошкоралик ва самарадорлик прокуратура органларидан қўзғатилган жиноят ишлари, уларнинг ҳаракати, жиний таъқиб қилиш натижаларини назорат қилиш ва ички ҳужжатларда ҳисобга олишни тақозо этади.

Жиноят ишлари ҳисобини юриштиш:

- прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган статистик маълумотларни кузатиш ёки иш фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳисоботга киритиш;
- ишларни тақсимлашда прокурорларнинг иш юкласини;
- ҳар бир вазифага етарли вақт ажратишлари учун иш юкласи даражаси;
- зарур ҳолларда мансабдор шахсларга, давлат органларига ёки бошқа манфаатдор шахсларга (масалан, жабрланувчилар ёки гувоҳларга) тақдим этиш учун ҳужжатларни тезкорлик билан топиш;
- натижани кузатиш учун ҳужжатни юришини кўриб бориш;
- қонунни қўллашда ягона амалиётни таъминлаш мақсадида тайёрланган ҳужжатлар асосида ўхшаш ишлар бўйича иш юритувчи прокурорлар учун таклифлар, қарорлар ёки методикалар лойиҳаларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Ҳар бир давлат ўз ҳуқуқий тизимининг ўзига хос талабларини кўриб чиқиши ва ўзининг ҳужжатларни қайд этиш тизимини ўзгартириши ёки яратиши кўзда тутилади.

Прокуратура фаолиятини ташкил этишда статистика муҳим роль ўйнайди. Прокуратура томонидан қўзғатилган жиноят ишлари кўрсаткичлари, жиноятчиликнинг ўсишига жавобан ўтказилган чора-тадбирлар, прокуратура органлари томонидан кун, ҳафта,

ой ёки йил давомида кўриб чиқиладиган ишлар сони, Бош прокурор ёки прокуратура органи бошлиғига прокурорлар ва идоралар ўртасида, хоҳ ҳудудий бўлсин, хоҳ суд тизими идораси, вазифаларни қандай тақсимлаш мумкин, кўп муаммоларни ҳал қилиш учун қандай ҳаракатлар қилиш кераклигига ишора қилади.

Прокурор ва прокуратура идораси томонидан кўриб чиқилаётган ишлар сони билан яқиндан танишиш, бош идорага қандай чоралар кўриш кераклигини айтиши мумкин. Бу унумдорлик учун жуда фойдали бўлиши мумкин, масалан, нафақат ортиқча юкламадан сақлаш учун ҳар бир прокурорга қанча иш бериш кераклигини аниқлаш, балки унинг тўлиқ маҳсулдорлик ва салоҳиятга эришишига хизмат қилади.

Статистик маълумотлар прокурорнинг ишини жамоатчилик томонидан қабул қилиш учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Статистик маълумотлар прокуратурага сўровларга жавоб беришга, уларнинг сўзларини расмий маълумотлар билан тасдиқлашга имкон беради ва шу билан адолатли суд муҳокамасига ишончли оширади.

Прокурорларни лавозимга тайинлаш, малакасини ошириш, мартабасини ошириш – прокурор лавозимига тайинланган шахслар зарур билим, малака ва тайёргарликка эга бўлиши керак. Давлат лавозимга танлаш мезонлари орқали шахсни ёки бир гуруҳ шахсларни ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллати, ижтимоий ёки ахлоқий маданияти, иқтисодий ёки бошқа мақомига кўра камситиш каби нотўғри қарашлар асосида ходимни тайинлаш имконияти йўқлигини таъминлаши керак, фақат фуқаролик ва меҳнат стажи талаблари бундан мустасно. Хизмат лавозимига тайинлаш ва унда юқорилаб бориш объектив омиллар, хусусан, касбий малака, салоҳият, тажрибага асосланиши, қарор адолатли ва холис таомиллар асосида қабул қилиниши керак.

Шуни эътироф этиш керакки, прокурорлик фаолиятининг мақсадларига эришиш прокурор лавозимига тайинланган шахсларнинг ўз вазифаларини ҳалоллик ва тезкорлик асосида бажаришига боғлиқ. Прокуратура органларида фақат тегишли малакага эга бўлган шахсларнинг прокурор лавозимига тайинланишини таъминлайдиган тизим, тартиб ва тайинлаш мезонлари мавжудлиги кўзда тутилмоқда. Ишга қабул қилишнинг пухта ўйланган ва адолатли жараёни, прокуратура ходимларининг фаолияти доимий баҳолаб борилиши ва малакасини ошириш прокуратура мақсадларига эришишга ёрдам беради. Турли мамлакатларда прокуратура қандай тузилганига, мамлакатда ҳуқуқни ўргатиш омилларига, шунингдек, амалдорнинг қонунни қўллаши учун зарур бўлган малака ва стандартларга боғлиқ бўлган ўзига хос ишга қабул қилиш услублари мавжуд. Кўпгина мамлакатлар прокурорларни ишга қабул қилиш ва уларнинг мартабаси ошиб боришини мониторинг қилиш бўйича очиқ тартиботларни ўрнатиш бўйича чоралар кўрди, бу эса жамоатчилик кўзида прокурорларнинг ошқоралиги ва ишончли эканлигини оширади [15].

Юқорида таъкидланганидек, прокурорларни тайинлаш адолатли ва холис амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифадир. Бу жараён мамлакатдан мамлакатга фарқ қилади, лекин тайинлаш жараёни табиати ўзгармайди: зарур малака ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган номзодлар прокурорлик вазифаларини бажариш учун ҳалол ва холис бўлиши муҳим. Айрим тайинлаш усуллари махсус имтиҳон, интервью ва бошқа синовлардан ўтишни ўз ичига олади [16].

Бу жараёнга жиддий эътибор ва белгиланган халқаро стандартларга риоя қилиш прокуратура органларида коррупцияга қарши курашиш имкониятларини оширади.

Давлат прокурорларга ўз фаолияти учун зарур бўлган билимларни олиш, уларнинг малакасини доимий равишда ошириш имкониятини таъминлаши шарт. Прокуратура органлари ходимлари касбий одоб-ахлоқ кодексини, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни, айниқса, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг қонунда мустаҳкамланган конституциявий ва бошқа ҳуқуқларини яхши билишлари шарт. Прокурорлар ўз билим ва кўникмаларини керакли даражада ушлаб туриши, доимий равишда малака ошириш билан шуғулланиши шарт. Жиноятларнинг мураккаблиги тобора ортиб бораётганлиги янги билим ва кўникмаларни ривожлантиришни талаб қилади, қонун ва суд

ишини юритиш жараёнларини яхши билиш кўникмаларни ривожлантириш дастурининг муҳим таркибий қисмига айланмоқда [17].

Малака ошириш лавозимга тайинлаш билар бирга бошланиши (масалан, Корея Республикасида прокурор лавозимига тайинланишдан олдин номзод бир йил давомида махсус тайёргарликдан ўтади) ва бутун фаолияти давомида олиб борилиши керак, бу прокурорларга мураккаб ишларни ҳал қилиш ва мартаба даражасини ошириш учун тўлиқ салоҳиятини очиш имконини беради [18].

Прокуратура фаолиятининг самарадорлиги нафақат жиноят қонунчилиги ва процессуал жиҳатларни билишни талаб қилади. Европа консули ўз тавсияларида прокурорларнинг малакасини оширишда бешта "устун" ни аниқлайди:

- прокурорлар фаолиятининг тамойиллари ва ахлоқий меъёрлари;
- гумон қилинувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг конституциявий ва ҳуқуқий ҳимояси;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари;
- ишни ташкил этиш, инсон ресурсларини бошқариш тамойиллари ва амалиёти;
- прокуратура органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга ёрдам берувчи механизмлар [19].

Қаттиқ танловга қарамай, прокурор бундай масъулиятли лавозимни эгаллашга яроқсиз шахс бўлиб чиқади, бу ноўрин касбий хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик қонунда, касбий ахлоқ кодексида ёки давлат томонидан қабул қилинган стандартларда белгиланиши керак. Прокурор фаолиятини назорат қилиш учун турли мамлакатларда турли моделлар мавжуд: баъзи мамлакатларда прокурор функцияларининг бажарилишини назорат қилиш учун мустақил автоном бўлимлар ташкил этилади, баъзи мамлакатларда назоратни юқори лавозимдаги прокурорлар амалга оширадидлар. Прокурорлар ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун интизомий жавобгарликка тортиладидлар. Тавсия этилган интизомий жазоларга огоҳлантириш, таътил вақтини қисқартириш, дам олиш кунларида ишлаш, жарима (максимал 22 эвро), иш ҳақини қисман қоплаш, иш ҳақини камайтириш, йиллик иш ҳақини оширишни бекор қилиш, бошқа бўлимга ўтказиш, лавозимидан вақтинча четлаштириш, ишдан бўшатиш киради. Прокуратура органларининг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо касбий вазифаларни бажаришда содир этилган ҳуқуқбузарликка мутаносиб бўлиши керак.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. UNODC and IAP. Guide: The Status and Role of Prosecutors. 2014
2. James Hamilton. Speech at the 18th Annual Conference of the IAP: "The prosecutor and the rule of law". 2013.
3. International Association of Prosecutors. Standards of Professional Responsibility and Statement of the Essential Duties and Rights of Prosecutors, term 3. 1999.
4. United Nation Office on Drugs and Crime. United Nations Convention against Corruption: article 11 implementation guide and evaluative framework. 2015.
5. Prosecution Code. sect. 1. Department of Justice Hong Kong Special Administrative Region. 2013. p. 6.; United States Attorney's Manual, article 9-2.001. United States, Department of Justice. 1997.
6. Prosecution of Offences Act. Ireland, Office of the Attorney General. 1974, sect. 2(5) and 6. p. 7.
7. Protocol between the Attorney General and the Prosecuting Departments. Attorney General's Office. 2009.
8. Council of Europe. Report on European standards as regard the independence of the judicial system: part 2 – the Prosecution Service. 2010. p.8.

- 9.** Opinion No.12. Consultive Council of European Judges and Opinion. 2009; Opinion No. 4. Consultive Council of European Prosecutors on the relations between judges and prosecutors in a democratic society. 2009
- 10.** Democratic Alliance v. The Acting National Director of Public Prosecutions, Case No. 288/11. 2012. ZASCA 15, 20 March 2012.
- 11.** United Nations Office on Drugs and Crime. United Nations Convention against Corruption: article 11 implementation guide and evaluative framework. para. 131.
- 12.** Antonio Mura. Essential ethical standards for prosecutors: how to assure integrity. 2013.
- 13.** Council Europe. Recommendation №19 on the role of public prosecution in the criminal justice system, para, 10.2000.
- 14.** Euro justice. Country report: Hungary, chapter 2.
- 15.** Organization for Economic Co-operation and Development. Anti-corruption specialization of prosecutors in selected European countries. 2011. – C.13-15.
- 16.** Commission on crime prevention and criminal justice of UNODC. Report of the Secretary-General on strengthening the rule of law through improved integrity and capacity of prosecution services, para. 52. 2011. – C.114.
- 17.** Human Rights Council of UNODC, Gabriela Knaul. Report of the Special Rapporteur on the independence of judges and lawyers, para. 90. 2012. – C.20.
- 18.** Commission on crime prevention and criminal justice of UNODC. Report of the Secretary-General on strengthening the rule of law through improved integrity and capacity of prosecution services. para. 53. 2011. – C.14.
- 19.** Council Europe. Recommendation №19 on the role of public prosecution in the criminal justice system, para, 7. 2000. – C.5.

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000